

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ОЛИЙ РАВШАНОВИЧ

**ГУАНИДИН ГУРУҲЛАРИ ТУТГАН ПОЛИСАХАРИД
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ ВА ФУНГИЦИД
ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии наук (PhD)
по химическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical science**

Ахмедов Олий Равшанович

Гуанидин гуруҳлари тутган полисахарид ҳосилаларининг микробларга қарши ва фунгицид фаоллиги 3

Ахмедов Олий Равшанович

Антимикробная, фунгицидная активность гуанидинсодержащих производных полисахаридов 21

Akhmedov Oliy Ravshanovich

Antimicrobial, fungicidal activity of guanidine-containing derivatives of polysaccharides 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ОЛИЙ РАВШАНОВИЧ

**ГУАНИДИН ГУРУҲЛАРИ ТУТГАН ПОЛИСАХАРИД
ҲОСИЛАЛАРИНИНГ МИКРОБЛАРГА ҚАРШИ ВА ФУНГИЦИД
ФАОЛЛИГИ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/К15 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.biochem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тураев Аббасхан Сабирханович кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Раҳманбердиев Гаппар кимё фанлари доктори, профессор Ощепкова Юлия Игоревна кимё фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И. Салихов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., академик

Ш.А. Шомуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

М.Б. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертациясини аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инфекция касалликларни даволашда юқори самарадор ва ножўя таъсири кам бўлган доривор препаратларни яратиш муҳим вазифалардан биридир. Клиник ва фармакологик кузатишлар, амалиётда қўлланилаётган микробларга қарши воситаларни терапевтик жиҳатдан самарасиз бўлиб қолганидан ва ножўя таъсирларга эга эканлигидан далолат бермоқда. Ҳозирда физиологик фаол моддалар синтезига макромолекуляр ёндашувлар ножўя таъсири кам, терапевтик томондан самарали, пролонгацияланган ва селектив таъсир этувчи дори воситаларининг янги авлодини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда дунёда полимернинг макромолекуляр занжирига физиологик фаол гуруҳлар киритиш йўли билан янги дори воситаларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумки, таркибида гуанидин гуруҳлари тутувчи дори воситалари (стрептомицин, бластицидин, сульгин, хлоргексидин, амбазон, полиалкиленгуанидин ва б.) кенг доирадаги микробларга қарши фаолликлар намоён қилади. Бу борада, молекуляр конструкциялаш усуллари орқали физиологик фаол макромолекулалар олишда: керакли молекуляр масса ва тузилишга эга бўлган полимер-ташувчини танлаш; гуанидин гуруҳларини макромолекула занжири билан кимёвий боғланиш усуллари ишлаб чиқиш; олинган ҳосилаларни физик-кимёвий ва биологик фаолликларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари асосида юқори самарали дори воситаларни яратишни тақозо этади.

Мамлакатимизда самарали микробларга қарши таъсирга эга бўлган дори воситаларини ишлаб чиқиш бўйича инновацион ютуқлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, аниқ натижаларга, жумладан, янгича ёндошувга асосланган, юқори самарадор дори воситалари ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини яратишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида (4-йўналиш) «Фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада қўйилган вазифаларни амалга оширишда антимиқроб ва фунгицид хоссаларга эга бўлган кам захарли янги дори воситаларини олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»¹, Президентнинг 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика соҳасини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4997-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» туғрисидаги фармони

чоралари» фармонларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3552-сон «Фармацевтика соҳасини тезкор ривожлантиришнинг кўшимча чоралари» қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полимерлар асосида антимикроб препаратларни синтез қилиш ва уларнинг фаоллигини ўрганиш бўйича хорижий олимлар томонидан тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, Т. Ikeda, К. Kuroda, К. Matyjaszewski поли-N-бензил-4-винилпиридин бромиди поликатиони, поли-2-диметиламиноэтилметакрилат, турли молекуляр массадаги ва гидрофоб табиатли амфифил полиметакрилатлар синтез қилган ва ўрганган, уларнинг турли бактерия ва замбуруғларга қарши юқори фаоллиги аниқланган. Р.А. Wender томонидан биринчи марта нишон-хужайрага дори воситаларини етказиб бера оладиган гуанидин гуруҳлари тутган янги олигомерлар синтез қилинган ва текширилган. П.А. Гембицкий микробларга қарши таъсирга эга ва дезинфекцияловчи восита сифатида қўлланиладиган полиалкиленгуанидинни олиш усулини ишлаб чиққан. Е.Ф. Панарин раҳбарлигида функционал гидрофил полимерлар асосида бир қатор миробларга қарши препаратлар яратилган, улардан бири «Повиаргол»дир.

Республикамызда мазкур йўналишдаги тадқиқотлар акад. С.Ш. Рашидова, акад. А.С. Тураев, проф. Г. Раҳманбердиев, проф. А.А. Саримсаков ва к.ф.д. Ш.А. Шомуротовлар раҳбарликлари остида амалга оширилган. Полисахаридлар ва уларнинг ҳосилалари асосидаги биологик фаол макромолекуляр тизимларини яратиш бўйича тадқиқотлар Биоорганик кимё институти, Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Тошкент кимё-технология институтида олиб борилмоқда. Қатор йиллар давомида Биоорганик кимё институтида макромолекулаларни молекуляр конструкциялаш йўли билан кенг қўламли ва белгиланган тиббий-биологик хоссаларга эга дори воситалари ва жарроҳлик буюмларини яратиш бўйича тизимли тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф6-Т097 «Нишон-органларга қаратилган янги дори воситаларини олиш мақсадида модификацияланган полисахаридлар синтези ва биологик функциясини тадқиқ этиш» (2012-2016) ҳамда Т.1-16 «Гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари синтези ва уларнинг биологик

функцияларини тадқиқ этиш» (2016-2017) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гуанидин гуруҳлари тутган полисахарид ҳосилалари асосида микробларга қарши ва фунгицид фаолликка эга макромолекуляр тизимлар синтез қилиш, уларнинг тузилиши, молекуляр катталиклари ва биологик фаоллигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦни перйодат оксидлаш орқали белгиланган молекуляр кўрсаткичларга эга ва диальдегид гуруҳларини тутган полисахарид ҳосилаларининг синтези;

диальдегид полисахаридларнинг гуанидин билан нуклеофил алмашилишидаги ўзига хосликларни аниқлаш, алмашилиш даражаси ва молекуляр кўрсаткичлари турлича бўлган макромолекуляр тизимлар олиш;

гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларидаги азометин боғларини қайтариш реакцияларини тадқиқ этиш ва реакцияларнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг молекуляр катталикларини, физик-кимёвий хусусиятлари ва тузилишини аниқлаш;

гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг биологик хоссаларини ўрганиш, тузилиш ва фаоллик ўратасидаги боғлиқлигини аниқлаш, кейинги ишлаб чиқариш учун энг самарали препаратни танлаш.

Тадқиқотнинг объекти пахта целлюлозаси, крахмал, цитрус пектини ва Na-КМЦ; нуклеофил агент гуанидин гидрокарбонат; полисахаридларнинг диальдегид ҳосилалари; гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари (турли молекуляр массали, алмашилиш даражалари, таркибли ва б.); патоген бактериялар ва замбуруғлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети гуанидин гуруҳлари тутган полисахаридлар (целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ) асосидаги микробларга қарши ва фунгицид хусусиятларга эга бўлган макромолекулалар тизимини яратиш, уларнинг тузилиш ва молекуляр тавсифларини аниқлаш, физик-кимёвий ва биологик (микробларга қарши, фунгицид, токсикологик) хоссаларининг тадқиқоти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш жараёнида органик синтез усуллари (кимёвий модификация, нуклеофил алмашилиш, қайтарилиш ва б.), физик-кимёвий (УБ-, ИҚ-, рентген-тузилиш анализи, термик ва элемент таҳлили, эксклюзион-суюқлик хроматография, электрон микроскопия, ацидиметрик титрлаш) ва фармако-токсикологик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полисахаридларнинг (целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ) реакцион-фаол диальдегид ҳосилалари ва гуанидиннинг нуклеофил ўрин олиш реакцияси асосида азометин боғлари воситасида гуанидин гуруҳлари тутувчи макромолекуляр тизимлар синтез қилинган;

полисахаридларнинг (целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ) азометин боғли гуанидин гуруҳлари тутувчи ҳосилаларининг натрий боргидриди ёрдамида амин боғларигача кимёвий қайтариш реакциясининг оптимал шароити топилган;

полисахаридларнинг (целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ) гуанидин гуруҳлари тутувчи ҳосилаларининг тузулиши ва молекуляр кўрсаткичлари физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланган;

илк бор гуанидин гуруҳлари тутувчи макромолекуляр тизимларнинг микробларга қарши ва фунгицид фаоллиги уларнинг молекуляр кўрсаткичларига (полимер-ташувчининг табиати ва молекуляр массаси, гуанидин гуруҳлар миқдори ва б.) боғлиқлиги аниқланган;

илк бор макромолекула занжири бўйлаб гуанидин гуруҳлари тутувчи, организмга ножўя таъсири кам ва узоқ вақт самарали таъсир этувчи микробларга қарши ва фунгицид фаолликка эга дори воситаларини яратиш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полисахаридлар макромолекуласи таркибига гуанидин гуруҳларини киритиш йўли билан поликатион тузилишдаги макромолекуляр тизимларни яратиш имконияти очиқ берилган;

полисахаридларнинг гуанидин тутган ҳосилалари поликатион тузилиш ҳисобига юқори микробларга қарши ва фунгицид фаолликлар намоён қилиши аниқланган;

целлюлозанинг гуанидин тутган ҳосилалари асосида кам захарли, юқори самарали бўлган микробларга қарши ва фунгицид таъсирга эга «Полигуацид» воситаси олинган, ҳамда уни стандартлаштириш усули ва олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган макромолекуляр тизимларнинг тузилиши, молекуляр катталиклари ва физиологик фаолликлари замонавий физик-кимёвий ва биологик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда аниқланганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, тадқиқотларни тақриз қилинадиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти реакцион-фаол альдегид гуруҳлари тутган целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ ҳосилаларининг синтези қонуниятлари, шунингдек, полисахаридлар макромолекуласи билан гуанидин гуруҳларининг кимёвий боғланиши орқали микробларга қарши ва фунгицид бирикмаларни молекуляр шакллантириш усулларининг асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти модификацияланган полисахарид макромолекуласига гуанидин гуруҳларини кимёвий бириктириш

йўли билан кам захарли микробларга қарши ва фунгицид фаолликка эга полимер препарати олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гуанидин тутган полисахарид макромолекулаларини конструкциялаш ва уларни биологик фаоллигини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларни синтези бўйича ишлаб чиқилган усулларидан Намсеул Университетининг мақсадли илмий тадқиқотларида табиий полиэлектролитлар асосида биологик фаол интерполимер комплекслар олишда фойдаланилган (Namseoul University, Korea 2018 йил 21 декабрдаги маълумотномаси). Натижада полимер комплекс ҳосил бўлиш жараёни, молекуляр массаси, молекуляр-уст структураси, реологик хусусиятларини исботлаш ҳамда олдиндан белгиланган физик-кимёвий ва биологик хусусиятларга эга бўлган полимер материаллари олиш имконини берган.

гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларидан ФА-Ф6-Т219 рақамли «Маҳаллий *Lactobacillus casei* group штаммлари томонидан бактериоцинга ўхшаш моддаларнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалигини чақирувчи *Helicobacter pylori*га қарши таъсирини ўрганиш» лойихасида *Helicobacter pylori*га қарши препаратларнинг антимиқроб фаоллигини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 16 майдаги 4/1255-1457-сон маълумотномаси). Натижада *Helicobacter pylori* га қарши янги антимиқроб восита таркибини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, жумладан, 4 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган, патент ихтироси учун талабнома топширилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларни амалиётга жорий

этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Микробларга қарши фаолликдаги макромолекуляр тизимлар»** деб номланган биринчи бобида микробларга қарши фаолликка эга бўлган полимерлар синтези ва турлари, уларнинг таъсир этиш механизми, макромолекуляр тизимларнинг фармакологик хоссаларига молекуляр характеристикаларнинг, полимер-ташувчи табиати ва тузилишининг таъсири бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Гуанидин гуруҳи тутган биологик фаол бирикмалар кўриб чиқилган, полигуанидин ҳосилаларининг микробларга қарши таъсир механизми ва кимёвий ўзгаришлари кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари синтези ва уларни тадқиқ этиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари, полисахаридларнинг диальдегид ҳосилаларини синтез шароитлари, нуклеофил алмашиниш ва азометин боғларини қайтариш реакцияларининг ўтказилиши, физик-кимёвий, биологик ва токсикологик тадқиқот усуллари баён қилинган.

Диссертациянинг **«Гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари синтези ва уларнинг физик-кимёвий характеристикаларини аниқлаш»** деб номланган учинчи бобида полисахаридларнинг реакцион-фаол диальдегид ҳосилалари синтези, уларнинг тузилиши ва молекуляр катталикларини тадқиқ этиш, нуклеофил алмашиниш ва азометин боғларини қайтариш реакцияларининг қонуниятлари бўйича натижалар кўриб чиқилган ва муҳокама қилинган. Гуанидин тутган полисахаридларнинг молекуляр массаси ва тузилишини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.


Ҳозирги кунда полисахаридлар физиологик фаол бирикмаларнинг ташувчиси сифатида кенг қўлланиладиган потенциал қимматбаҳо макромолекуляр моддалардан бири ҳисобланади. Биринчи навбатда уларнинг арзонлиги, биомослашувчанлиги, захарли эмаслиги, биопарчаланиши ва аллергик реакцияларининг йўқлигини таъкидлаш лозим. Санаб ўтилган муҳим хоссалардан ташқари, табиий макромолекулаларнинг асосий ютуғи қўйилган фармакологик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда уларнинг молекуляр катталикларини ва кимёвий тузилишини ўзгартириш мумкин. Полисахаридлар тузилишининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуанидин гуруҳлари учун полимер матрица сифатида целлюлоза, крахмал, пектин ва Na-КМЦ (Na-карбоксиметилцеллюлоза) танлаб олинди. Гуанидин гуруҳларини полисахарид структурасига киритиш учун макромолекуляр занжирнинг дастлабки кимёвий модификациясини амалга ошириш талаб этилди.

Полисахаридларни функционаллаштиришда кенг қўлланиладиган усуллардан бири перйодат оксидланиш реакциясидир. Ушбу реакция, макромолекуляр ҳалқа таркибида вицинал жойлашган гидроксил гуруҳлар тутган биополимерларга нисбатан тадбиқ этилади. Малапрад реакцияси бўйича фаоллаштирилган полисахаридлар таркибида электрофил альдегид

гуруҳлари бўлиб, уларнинг миқдорини перйодат оксидлаш реакциясининг шароитларини ўзгартириш орқали бошқариш мумкин. Фаоллаштирилган полисахаридларнинг ўзига хослиги шундаки, бир томондан макромолекуланинг -СНО гуруҳлари фаол моддалар билан ўзаро таъсирлашиб организмда ферментлар иштирокисиз парчаланадиган кимёвий боғлар ҳосил қилиши мумкин, бошқа томондан эса полимер занжирнинг ўзи биопарчаланувчандир.

Таъкидлаш жоизки, полисахаридларнинг диальдегид ҳосилаларини синтез қилишда асосий принципи бу гидроксил гуруҳларни -СНО гуруҳларигача оксидланишидир. Маълумки, перйодат оксидланиш жараёнида альдегид гуруҳларни ҳосил бўлиши билан қаторда қўшимча реакциялар ҳам содир бўлади, яъни -СНО гуруҳлар -СООН гача оксидланиши мумкин.

Пахта целлюлозаси (ПЦ), крахмал, пектин ва Na-КМЦ ларнинг перйодат оксидланиши гетероген ва гомоген муҳитда NaIO_4 нинг сувли эритмаси билан 20°C ҳароратда ва pH 4,25 бўлган ацетат буфери иштирокида олиб борилди. Полисахаридларнинг перйодат оксидланиши қуйидаги схема бўйича содир бўлди:




Полисахаридларни модификация қилиш жараёнида уларнинг ҳар бири учун алоҳида оксидланиш тезлиги ва даражаси характерли эканлиги аниқланди. Перйодат оксидланиш реакциясининг турли тезликда кечиши полисахаридларнинг молекуляр-уст структураси ва физик-кимёвий хоссалари билан боғлиқ.

ПЦнинг реакцион фаоллигини ошириш учун, сувда бўктирилган полисахаридга инерт эритувчи (ацетон) билан ишлов берилган. Дастлабки ва ацетон билан ишлов берилган ПЦнинг реакцион фаоллигидаги ўзгаришлар перйодат оксидланиш тезлиги билан баҳоланади (1-расм, а).

Қуйидаги 1(а) расмдан кўришиб турибдики, кимёвий модификациялашнинг 7-суткасида, активланган целлюлозанинг оксидланиш даражаси 94,0 моль% ташкил этди, ацетон билан ишлов берилмаган диальгидцеллюлозада (ДАЦ) бу кўрасаткичга эришиш учун 2 сутка кўп вақт талаб этилади.

Крахмал, пектин ва Na-КМЦни кимёвий модификациялашда перйодат оксидланиш реакцияси атиги бир неча соат давом этади (1-расм, б). Полисахаридлар функционализациясининг оптимал шароитларида ДАЦ, диальдегидкрахмал (ДАК), диальдегидпектин (ДАП) ва диальдегид Na-КМЦ

(ДАКМЦ) оксидланиш даражаси қийматлари 94,0, 62,0, 47,4 ва 31,0 моль% ни ташкил этиши оксим усулида аниқланди.



1-расм. ПЦ (а), крахмал, пектин ва Na-КМЦнинг (б) оксидланиш даражасини вақтга боғлиқлиги

Полисахаридларнинг молекуляр массасига гетероген ва гомоген муҳитда олиб борилган перйодат оксидланишнинг таъсири 1-жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

ПЦ, крахмал, пектин ва Na-КМЦнинг молекуляр массаларига перйодатли оксидланиш реакциясининг таъсири

Целлюлозанинг оксидланиш даражаси, моль%	0	26,5	64,0	75,8	90,2	94,0
Молекуляр масса, кДа	226,8	195,2	160,0	154,4	-	168,0
Крахмалнинг оксидланиш даражаси, моль%	0	25,3	39,5	49,7	58,0	62,0
Молекуляр масса, кДа	815,0	626,5	552,3	438,0	319,2	393,1
Пектиннинг оксидланиш даражаси, моль%	0	33,0	37,4	43,0	45,3	47,4
Молекуляр масса, кДа	162,4	153,3	151,1	147,0	142,0	133,5
Na-КМЦнинг оксидланиш даражаси, моль%	0	21,0	26,5	28,2	31,0	-
Молекуляр масса, кДа	121,9	118,0	116,1	-	115,0	-


1-жадвалда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, полисахаридларнинг оксидланиш даражалари ортиши билан макромолекула занжирининг гидролизи кузатилади, натижада ДАП ва ДАКМЦнинг молекуляр массасининг камайишига олиб келади. Аммо, ПЦ ва крахмални перйодатли оксидлашда ДАЦ ва ДАКнинг оксидланиш даражаси 94,0 ва 62,0 моль% бўлганда диальдегидполисахаридларнинг молекуляр массаси ортади, бу C_2 ва C_3 углерод атомларидаги альдегид гуруҳлари билан қўшни макромолекулалардаги бирламчи гидроксил гуруҳлар орасида молекулалараро ацетал боғлар ҳосил бўлиши ва ўзаро тикилиши билан тушунтирилади.

ДАЦ ва ДАК структуралари рентген-тузилиш анализи усулида ўрганилганда, оксидланган ПЦ ва крахмалда альдегид гуруҳлари миқдори ортиши билан полисахаридларнинг кристаллиги камайиши аниқланди, бунга -ОН гуруҳларининг альдегид гуруҳларига ўтиши сабаб бўлади.

Шундай қилиб, олиб борилган изланишлар натижасида электрофил альдегид гуруҳлар миқдори ва молекуляр параметраларини бошқариш мумкин бўлган полисахаридларнинг реакцион-фаол диальдегид ҳосилалари олинди.

Полисахаридларнинг реакцион-фаол диальдегид ҳосилалари билан гуанидиннинг нуклеофил алмашиниш реакциялари олиб борилди. Реакция маҳсулотлари таркиби ва молекуляр катталикларига гуанидиннинг моль миқдори, полисахаридларнинг оксидланиш даражаси, муҳит рНи, температура ва реакция давомийлигининг таъсири ўрганилди.

ДАЦ, ДАК, ДАП ва ДАКМЦларнинг гуанидин билан ўзаро таъсири қуйидаги схема бўйича олиб борилди:



ДАЦ ва ДАКнинг γ (альдегид гуруҳлар миқдори) қийматлари реакция маҳсулотларининг алмашиниш даражаси билан солиштирилганда, оксидланган полисахарид халқасига икки молекула гуанидин тўғри келиши аниқланди. Шу билан бирга, ДАП ва ДАКМЦнинг элементар халқасига 2 тадан ортиқ гуанидин молекуласи тўғри келиши аниқланди. Бунга сабаб гуанидин ДАП ва ДАКМЦ билан таъсирлашганда азометин боғлар билан бир қаторда, макромолекуладаги карбоксил гуруҳлар билан ион боғлар орқали боғланишидир.

Ҳар қандай нуклеофил алмашиниш реакциясида оптимал рН қиймати мавжуд бўлиб, бунда реакция максимал тезликда боради. Шундан келиб чиққан ҳолда, рН муҳитининг реакция маҳсулотларининг унумига ва алмашиниш даражасига таъсири ўрганилди (2-жадвал).

Қуйидаги 2-жадвалдан кўришиб турибдики, кучли ишқорий ёки кислотали муҳитда олинадиган маҳсулотлар кичик алмашиниш даражасига эга. Бунга сабаб кислотали муҳитда нуклеофил бирикманинг - гуанидинни,

кучли ишқорий муҳитда эса электрофилларнинг (-СНО гуруҳлари) реакция қобилияти тушиб кетади.

Нуклеофил алмашилиш реакцияси рН 9,0-8,7 оралиғида максимумга эришади, бунда олинган маҳсулотлар алмашилиш даражаси ва азот миқдорининг юқорилиги билан характерланади. Бу оптимал рН қийматининг аниқланганлигидан далолат беради, бунда гуанидин аминогруҳлари тўлиқ протонланмайди ва ДАЦ, ДАК, ДАП, ДАКМЦларнинг альдегид гуруҳлари Канницаро реакциясига мос ҳолда гидроксил ва карбоксил гуруҳларига ўтмайди.

2-жадвал

Алмашилиш даражаси, эрувчанлик ва маҳсулотлар унумининг муҳит рНига боғлиқлиги

ДАЦ:(Н ₂ Н) ₂ С=НН =1,0:2,5; τ=3 соат; t=20°C; ДАЦнинг оксидланиш даражаси 94,0 моль%; М=168,0 кДа				
Муҳит рН	Азот миқдори, %	Алмашилиш даражаси, моль%	Сувда эрувчанлиги	Унум, % дастлабки полимер массасига нисбатан
10,9-11,0	20,5	97,7	Эрийди	31,0
10,3-10,4	23,3	115,0	Эрийди	42,2
9,8-9,7	28,2	148,2	Эрийди	51,0
9,0-8,8	33,0	185,4	Эрийди	62,5
6,5-6,7	10,2	43,1	Эрмайди	106,1
5,9-5,5	6,4	26,0	Эрмайди	-
ДАК:(Н ₂ Н) ₂ С=НН =1,0:2,5; τ=2 соат; t= 20°C; ДАКнинг оксидланиш даражаси 58,0 моль%; М=319,2 кДа				
10,6-11,0	12,5	54,5	Эрийди	25,3
9,7-9,9	16,4	75,0	Эрийди	38,0
9,0-8,7	24,2	121,4	Эрийди	53,7
6,1-6,0	5,8	23,5	Эрмайди	104,0
ДАП:(Н ₂ Н) ₂ С=НН =1,0:3,0; τ=2,0 час; t= 20°C; ДАПнинг оксидланиш даражаси 45,3 моль%; М=142,0 кДа				
10,3-10,5	13,0	65,2	Эрийди	41,0
9,5-9,7	15,4	79,4	Эрийди	54,5
8,9-8,8	20,0	109,0	Эрийди	76,4
8,5-8,3	16,7	87,5	Эрийди	91,0
5,8-5,5	5,0	23,0	Эрийди	109,2
ДАКМЦ:(Н ₂ Н) ₂ С=НН =1,0:2,5; τ=2,0 час; t=20°C; ДАКМЦнинг оксидланиш даражаси 31,0 моль%; М=115,0 кДа				
10,0-10,5	5,1	29,2	Эрийди	48,0
9,4-9,3	6,5	37,8	Эрийди	62,0
9,0-8,7	11,5	70,6	Эрийди	81,6
8,3-8,2	10,2	62,0	Эрийди	94,5
5,7	2,3	12,8	Эрийди	102,0

Юқори рН қийматларида реакция маҳсулотлари унумининг камайиши дастлабки полисахаридларнинг диальдегид ҳосилалари ишқорий деструкцияга учраши билан характерланади.

Олинган натижалар асосида, нулеофил ўрин олиш реакциясининг бошланғич вақтида маҳсулотлар унумининг кескин тушиб кетиши, макромолекула таркибидаги бўш альдегид гуруҳлар мавжудлиги ҳисобига кузатилиши аниқланди.

Қуйидаги 3-жадвалда гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларнинг алмашилиш даражаси ва таркиби, диальдегид полисахарид ҳосилаларининг оксидланиш даражасига боғлиқлиги кўрсатилган.

3-Жадвал

ДАЦ, ДАК, ДАП ва ДАКМЦлар оксидланиш даражасининг гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари таркиби ва алмашилиш даражасига таъсири

№	Оксидланиш даражаси, моль%	N,%	Алмашилиш даражаси, моль%	Гуанидин микдори, %	Сувдаги эрувчанлиги
ДАЦ:(H ₂ N) ₂ C=NH =1,0:2,0; τ=2 соат; t=20°C; pH=8,8-9,0					
1	26,5	11,2	48,2	19,0	Эримайди
2	38,1	15,5	70,0	25,3	Эримайди
3	64,0	25,0	126,0	41,0	Эрийди
4	75,8	27,4	142,5	44,1	Эрийди
5	90,2	31,8	175,7	52,0	Эрийди
ДАК:(H ₂ N) ₂ C=NH =1,0:2,0; τ=2 соат; t=20°C; pH=8,7-8,8					
6	25,3	11,0	47,0	15,4	Эрийди
7	32,5	14,0	62,1	21,5	Эрийди
8	47,4	19,2	90,5	29,0	Эрийди
9	58,0	22,6	111,0	32,7	Эрийди
ДАП:(H ₂ N) ₂ C=NH =1,0:2,5; τ=1,0 соат; t=20°C; pH=8,8-9,0					
10	18,1	9,7	46,9	14,5	Эрийди
11	33,0	15,0	77,0	23,2	Эрийди
12	43,0	19,2	104,0	27,9	Эрийди
ДАКМЦ:(H ₂ N) ₂ C=NH =1,0:2,5; τ=1,0 соат; t=20°C; pH=8,7-9,0					
14	14,8	6,5	37,8	10,0	Эрийди
15	21,0	8,3	49,3	12,6	Эрийди
16	28,2	10,5	64,0	16,0	Эрийди


3-жадвалдан кўриниб турибдики, полисахаридлар структурасида альдегид гуруҳларининг ортиши билан реакция маҳсулотларида гуанидин микдори ва алмашилиш даражаси ортиб боради.

Гуанидин ва унинг баъзи ҳосилалари кучли асос хоссаларини намоён қилганлиги сабабли кислоталар билан титрланади натижада турли даражада сувда эрувчан барқарор тузлар ҳосил бўлади. Полисахаридлар таркибидаги гуанидин гуруҳларининг мавжудлигини исботлаш учун ацидиметрик титрлаш усули қўлланилган.

Диальдегид ҳосилаларни гуанидин билан ўрин олиш реакциясининг кинетикаси ўрганилганда (t=20°C), ДАЦ ва ДАКнинг альдегид гуруҳларини тўлиқ алмашилиш вақти 2 соатни, ДАП ва ДАКМЦ учун 0,75 соатни ташкил этиши аниқланди.


Реакцион муҳит температураси 50-70°C бўлганда ДАЦ ва ДАКнинг альдегид гуруҳларининг гуанидин билан алмашилиши тезлиги ортади, лекин макромолекулалар деструкция учраб, маҳсулот унуми пасаяди.

ИҚ-спектроскопия усулида гуанидин ДАЦ, ДАК, ДАП и ДАКМЦ ҳосилалари билан азометин боғлари орқали боғланиши исботланди. Синтез қилинган азометин ҳосилаларидаги $-C=N-$ боғларга хос бўлган ютилиш ИҚ-спектрларининг 1631-1670 cm^{-1} соҳаларида мавжуд (2-расм).



2-расм. ИҚ-спектрлар; 1-гуанидин целлюлоза (АД=185,4 моль%); 2-гуанидин крахмал (АД=123,5 моль%); 3-гуанидин пектин (АД=109,0 моль%); 4-гуанидин карбоксиметилцеллюлоза (АД=70,6 моль%);

Маҳсулотларнинг УБ-спектрида 195 нм тўлқин узунлигида ўзига хос ютилиш кузатилди (2-расм), бу гуанидин структурасидаги ва унинг полимер ҳосилаларидаги мавжуд $-C=N-$ гуруҳларининг $n \rightarrow \pi^*$ ўтиши билан изоҳланади (3-расм).




3-расм. УБ-спектрлар; 1-гуанидин; 2-гуанидин целлюлоза (АД=178,0 моль%); 3-гуанидин крахмал (АД=123,5 моль%); 4-гуанидин пектин (АД=109,0 моль%); 5-гуанидин карбоксиметилцеллюлоза (АД=70,6 моль%).

Полисахаридларнинг диальдегид ҳосилалари билан гуанидиннинг нуклеофил ўрин олиш реакцияси қонуниятлари асосида маҳсулотларнинг алмашилиши даражаси, унуми ва сувда эрувчанлиги реакция шароитига боғлиқлиги аниқланди ҳамда жараёни бошқариб белгаланган таркибга ва хусусиятларга эга бўлган азометин ҳосилаларининг олиниши исботланди.

Иммобилизация учун танланган гуанидин молекуласи полимер занжиридаги мусбат заряд сифатида актив марказ ҳосил қилувчи катион

бўлиб, макромолекуланинг микроорганизмлар цитоплазма мембранасидаги кислотали гуруҳлар билан микдорий боғланишини белгилайди. Шунга асосан, гуанидин билан полисахарид ҳосилалари орасидаги осон гидролизланадиган $-C=N-$ боғларни кимёвий трансформация қилиш орқали мустаҳкам $-CH_2-NH-$ боғларга ўтказиш керак.

Гуанидин тутган полисахарид ҳосилалардаги азометин боғларни амин боғларигача кимёвий трансформацияси 1 моль гуанидин тутган полисахарид элементар ҳалқасига нисбатан 2 моль баробар кўп натрий боргидриди иштирокида, 3-5 соат давомида ва рН 8,3-8,5 да олиб борилди. Гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларидаги азометин боғларнинг қайтарилиши кўйидаги схема бўйича олиб борилди:



Олиб борилган изланишлар натижасида, рН 8,3-8,5 ва қайтарилиш реакцияси натрий боргидриди иштирокида 5 соат давомида олиб борилганда, азометин боғларининг максимал стабилизацияга ўтказиш мумкинлиги аниқланди. Бундай реакция шароитида гуанидин гуруҳларининг полимер матрицадан ажралиб чиқиши минимал равишда кечади. Осон гидролизланадиган $-C=N-$ боғларни $-CH_2-NH-$ боғларгача қайтарилганлигини исботлаш учун олинган маҳсулотлар реакциядан сўнг гидролизга учратилди.

Азометин боғлари қайтарилиши натижасида таркибида амин боғлари орқали боғланган, гуанидин гуруҳлари сақловчи сувда эрувчан полисахарид ҳосилалари олинди. Целлюлоза ҳосилаларида алмашилиш даражаси 75,0-178,0 моль%, крахмалда 45,0-110,0 моль%, пектинда 30,0-90,0 моль% ва Na-КМЦда 21,0-50,0 моль% ташкил этиб, молекуляр массалари 5000-29200 Да оралиғидалиги аниқланди.

Турли алмашилиш даражасига ва молекуляр массага эга бўлган гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг рК_α қиймати ҳисобланди. Олинган натижаларга кўра, молекуляр массаси 5000 Да ва алмашилиш даражаси 178,0 моль% бўлган гуанидин целлюлозанинг рК_α қиймати 9.7±0.1 тенг. Бундай ҳолда алмашилиш даражаси кичикроқ ва молекуляр массаси юқорироқ бўлган гуанидин тутган крахмал, пектин ва карбоксиметилцеллюлозанинг рК_α қиймати 9.3, 9.0 ва 8.5±0.1 эканлиги аниқланди. Гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг рК_α қийматлари молекуляр масса ва алмашилиш даражасига боғлиқ бўлиб, 8.0 ва 9.9±0.1 оралиғида бўлиши ҳисобланди.

Синтез қилинган бирикмалар электрон микроскопия усулида текширилганда, гуанидин тутган полисахарид ҳосилалари структурасиз массада ташкил топганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг биологик фаолликлари ва токсикологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида синтез қилинган ҳосилаларнинг микробларга ва замбуруғларга қарши фаолликлари, токсикологик хусусиятлари бўйича натижалари келтирилган.

Гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг микробларга қарши ва фунгицид фаоллиги ЎЗР ФА Микробиология институти, ҳамда ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилган, токсикологик хусусиятлари ЎЗР ФА Биоорганик кимё институтининг «Фармакология» лабораториясида текширилган.

Микробиологик тадқиқот натижалари синтез қилинган препаратларнинг микробларга қарши фаоллиги полисахаридлар макромолекуласи занжирида жойлашган гуанидин гуруҳлари миқдorigа боғлиқ эканлигини кўрсатди. Ҳосилаларнинг алмашилиш даражаси ва pK_a қиймати ортган сари микробларга қарши фаоллиги ортиб боради. Алмашилиш даражаси 178,0 моль%, pK_a қиймати 9.7 ± 0.1 тенг ва $M=5000$ Да бўлган гуанидин целлюлоза *Enterococcus faecalis*, *Klebsiella pneumonia*, *Citrobacter freundii*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Proteus morgani*, *Staphylococcus aureus*, *Serrata marsescens* га қарши фаоллиги, алмашилиш даражаси 110,0, 90,0 и 50,0 моль%, pK_a қиймати $8.5-9,3 \pm 0.1$ ва $M=9500-16000$ Да оралиғида бўлган гуанидин тутган крахмал, пектин ва Na-КМЦ ҳосилаларига нисбатан юқорилиги аниқланди. Олинган натижалар асосида гуанидин гуруҳлар миқдори полисахарид ҳосилаларини фаоллигига таъсир этиши исботланди.

Изланишлар олиб борилган препаратлар орасидан самарали ва кенг қамровли антимиқроб хусусиятини алмашилиш даражаси 178,0 моль% ва $M=5000$ Да бўлган гуанидин целлюлоза намоён қилди.

Текширишлар натижасида гуанидин целлюлозанинг микробларга қарши фаоллиги қарши ион табиатига боғлиқлиги аниқланди. Макромолекуладаги гуанидин гуруҳларининг минерал кислоталар билан нейтраллаб олинган препаратларининг микробларга қарши фаоллиги деярли бир хил. Cl^- , NO_3^- , F^- ва J^- ионларининг органик кислоталар анионларига алмаштирилиши гуанидин целлюлозанинг микробларга қарши фаоллигининг тушишига олиб келади.

Олиб борилган тадқиқотлар, гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг фитопатогенларга қарши самарали фунгицид таъсири ва спектр фаоллиги препаратларнинг концентрациясига ва полисахарид структурасидаги гуанидин гуруҳлари миқдorigа боғлиқлигини кўрсатди. 5 мг/мл концентрацияли ҳосилалар энг паст фаолликни намоён этди. Текширилаётган бирикмаларнинг концентрацияси 5 мг/мл дан 20 мг/мл гача оширилганда фитопатогенларга нисбатан фаолликлари кескин равишда ортиши кузатилди. 20 мг/мл концентрацияда гуанидин тутган целлюлоза,

крахмал ва пектин ҳосилалари *Verticillium dahliae*, *Aspergillus flavus*, *Fusarium oxysporum*, *Clodosporium sp.*, *Alternaria alternate* *Fusarium ochratius* қарши юқори фаолликни намоён этди. Нисбатан паст фунгицид фаолликни алмашилиш даражаси 50,0 моль% ва $M=16000$ Да бўлган гуанидин карбоксиметилцеллюлоза кўрсатди.

in vivo шароитида теридаги йирингли яраларни даволашда микробларга қарши энг юқори фаоллик, 0,5 ва 1,0% гуанидин целлюлоза ҳамда пектин эритмаларида даволашда кузатилди. Бунда, 3-суткага келиб ярадаги стафилоккок миқдори $8,80 \pm 0,3$ дан $4,15 \pm 0,2$ КОЕ/мл ва $6,30 \pm 0,12$ КОЕ/мл гача кескин пасайиши, 5-суткага келиб эса бутунлай йўқолиши кузатилди.

in vivo тажрибаларда гуанидин тутган полисахарид ҳосилаларининг фузариоз кўзгатувчиларига нисбатан фаоллик намоён қилиши шунингдек, соянинг ҳосилдорлиги ва ўсишига ижобий таъсир этиши исботланди. Гуанидин целлюлоза ва пектиннинг 0,25% эритмалари қўлланилиши натижасида ўсимлик касалланиши 71,5 ва 68,8% туширади.

Ўткир заҳарлиликни аниқлаш натижаларига кўра, гуанидин целлюлозанинг LD_{50} қиймати ≥ 5000 мг/кг, гуанидин крахмал 3600 мг/кг, гуанидин пектин ≥ 3000 мг/кг ва гуанидин карбоксиметилцеллюлоза 1800 мг/кг ташкил этиб, IV ва V кам заҳарли ва заҳарсиз моддалар синфига кириши аниқланди.

Синтез қилинган гуанидин тутувчи полисахарид ҳосилаларининг 0,5 ва 5,0% эритмалари каламуш терисига ва куён кўзининг конъюнктивига ноҳўя таъсир этмаслиги аниқланди.

Олинган физик-кимёвий, биологик ва фармакологик текширувлар натижалари асосида, энг самарали микробларга қарши ва фунгицид фаолликка эга бўлган макромолекуляр структура танланди (гуанидин целлюлоза; $AD=178,0$ моль%, $N\%=32,1\%$, $pK\alpha$ қиймати 9.7 ± 0.1 ва $M=5000$ Да) ва «Полигуанид» деб номланди, препаратни стандартлаш усуллари ва олиш технологияси ишлаб чиқилди, ҳамда патент ихтиросига талабнома топширилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Гомоген ва гетероген муҳитларда ПЦ, крахмал, пектин ва Na-КМЦнинг перйодат оксидлаш реакцияси ўрганилди. Полисахаридларнинг молекуляр массаси ва тузилиши оксидланиш даражасига боғлиқлиги қайд этилди. Перйодатли оксидлашнинг оптимал шароитларида кейинги амалий мақсадлар учун ДАЦ, ДАК, ДАП ва ДАКМЦнинг оксидланиш даражаси қийматлари 94,0, 62,0, 47,4 ва 31,0 моль% ва бошқариладиган молекуляр катталиклардаги ҳосилалар синтез қилинди. Биринчи мартаба целлюлозани перйодатли оксидлаш активланган ҳолатда олиб бориш таклиф этилди.

2. ДАЦ, ДАК, ДАП ва ДАКМЦ макромолекулаларидаги альдегид гуруҳларини гуанидин гидрокарбонат билан турли шароитларда нуклеофил алмашилиш реакциялари олиб борилди. Реакция маҳсулотларидаги альдегид

гуруҳларининг конверсияси, унуми ва молекуляр характеристикалари реакция шароитига (гуанидиннинг моляр нисбати, полисахаридларнинг оксидланиш даражаси, температура, муҳит рН ва вақт) боғлиқлиги билан изоҳланади.

3. Макромолекуляр занжирдаги гуанидин гуруҳларини минимал камайтирган ҳолда азотин боғларини қайтариш имконини берадиган шароитлар топилди. Қайтарилиш реакциясининг оптимал шароитларида азотин боғлар барқарор ҳолатга ўтказилди ва аминобоғланган гуанидин гуруҳли сувда эрувчан полисахарид ҳосилалари олинди. Целлюлоза ҳосилаларидаги алмашилиш даражаси 75,0-178,0 моль%, крахмалда 45,0-110,0 моль%, пектинда 30,0-90,0 моль% ва Na-КМЦда 21,0-50,0 моль% ни ташкил этади.

4. Физик-кимёвий усуллар билан полисахаридларнинг гуанидин тутган ҳосилалари таркиби, молекуляр катталиклари, рК α қиймати аниқланди ҳамда молекуляр-устки тузилиши ва термик барқарорлиги ўрганилди. Олинган препаратларнинг молекуляр массаси полимер занжири табиати ва реакция шароитига боғлиқ ҳолда 5000-29200 Да оралиғида, алмашилиш даражаси 21,0 дан 178,0 моль% гача ва рК α қиймати 8.0-9.9 \pm 0.1 бўлиши билан изоҳланади.

5. Гуанидин тутган полисахаридлар ҳосилаларининг биологик фаолликлари гуанидин гуруҳлар миқдори, молекуляр катталиклари, қарши ион табиати, рК α қиймати ва муҳит рНга боғлиқлиги илк мартаба кўрсатиб берилди. Олинган натижаларга кўра, тадқиқ этилган препаратлар орасида алмашилиш даражаси 178,0 моль%, рК α қиймати 9.7 \pm 0.1 ва М=5000 Да бўлган гуанидин целлюлоза энг самарали ва кенг қамровли микробларга қарши ва фунгицид таъсирга эга.

6. Молекуляр конструкциялаш орқали олинган гуанидин целлюлоза (АД=178,0 моль%; N%=32,1%; рК α =9.7 \pm 0.1 ва М=5000 Да) юқори биологик фаоллик намён қилишини кўрсатди, унинг асосида «Полигуацид» препарати ишлаб чиқилди ва микробларга қарши восита сифатида тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т. 37.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ ХИМИИ
РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

АХМЕДОВ ОЛИЙ РАВШАНОВИЧ

**АНТИМИКРОБНАЯ, ФУНГИЦИДНАЯ АКТИВНОСТЬ
ГУАНИДИНСОДЕРЖАЩИХ ПРОИЗВОДНЫХ ПОЛИСАХАРИДОВ**

02.00.10 - Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/K15

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.biochem.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Тураев Аббасхан Сабирханович**
доктор химических наук, академик

Официальные оппоненты: **Рахманбердиев Гаппар**
доктор химических наук, профессор
Ощепкова Юлия Игоревна
доктор химических наук

Ведущая организация: **Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер № ____). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки ____ от _____ 2019 года).

Ш.И. Салихов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н., академик

Ш.А. Шомуротов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

М.Б. Гафуров

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире создание высокоэффективных и малотоксичных лекарственных препаратов, остается одной из важнейших задач при лечении инфекционных заболеваний. Поскольку клинические и фармакологические наблюдения свидетельствуют, что многие применяющиеся на практике антимикробные средства терапевтически стали менее эффективными и проявляют выраженные побочные эффекты. В настоящее время применяемые макромолекулярные подходы к синтезу физиологически активных веществ играют важную роль в создании нового поколения лекарственных средств, отличающихся низкой токсичностью, терапевтической эффективностью, пролонгированным и селективным действием.

На сегодняшний день, в мире ведутся исследования направленные на создание новых лекарственных препаратов путем введения физиологически активных групп в макромолекулярную цепь полимера. Известно, что лекарственные препараты (стрептомицин, бластицидин, сульгин, хлоргексидин, амбазон, полиалкиленгуанидин и др.), содержащие в структуре гуанидиновые группы обладают широким спектром антимикробного действия. В этом плане при получении физиологически активных макромолекул методом молекулярного конструирования необходимым является: выбор полимер-носителя с нужной молекулярной массой и структурой; разработка методов химического связывания гуанидиновых групп с макромолекулярной цепью; установление взаимосвязи между физико-химическими параметрами и биологической активностью полученных производных; создание высокоэффективных лекарственных препаратов на основе гуанидинсодержащих производных полисахаридов.

В нашей стране особое внимание уделяется использованию инновационных достижений для разработки новых лекарственных препаратов обладающих эффективными антимикробными действиями. На основе программных мер, предпринятых в этом направлении, была создана научная основа, с новыми подходами, для производства высокоэффективных лекарственных веществ. В Стратегии развития Республики Узбекистан (4-направление) изложены задачи по «реализации мер по дальнейшему развитию фармацевтической промышленности, улучшению обеспечения населения и медицинских учреждений недорогими, высококачественными лекарственными средствами и медицинскими изделиями». В реализации поставленных задач, важное значение имеет получение новых малотоксичных лекарственных препаратов, обладающих антимикробными и фунгицидными свойствами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах», в

Указе Президента № УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3552 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Зарубежными учеными проведены систематические исследования по синтезу и созданию антимикробных препаратов на основе полимеров. В частности, Т. Ikeda, К. Kuroda, К. Matyjaszewski синтезированы и изучены поликатионы - поли-N-бензил-4-винилпиридиний бромид, поли-2-диметиламиноэтилметакрилат, амфифильные полиметакрилаты, с различной молекулярной массой и гидрофобной природой, установлена их высокая активность против бактерий и грибков. Со стороны Р.А. Wender впервые синтезированы новые олигомеры содержащие гуанидиновые группы, которые способны доставлять лекарственные препараты непосредственно в клетку-мишени. П.А. Гембицким разработан способ получения полиалкиленгуанидина, обладающего антимикробным действием и нашедшим применение в качестве дезинфицирующего средства. Под руководством Е.Ф. Панарина на основе функциональных гидрофильных полимеров созданы ряд антимикробных препаратов, одним из которых является «Повиаргол».

В нашей стране в этом направлении осуществлены исследования под руководством акад. С.Ш. Рашидовой, акад. А.С. Тураева, проф. Г.Рахманбердиева, проф. А.А. Сарымсакова и д.х.н. Ш.А. Шомуротова. Исследования по созданию биологически активных макромолекулярных систем на основе полисахаридов и их производных проводятся в Институте биоорганической химии, Институте химии и физики полимеров, Ташкентском химико-технологическом институте. В Институте биоорганической химии, в течение ряда лет, ведутся систематические исследования по созданию лекарственных препаратов и хирургических изделий с уникальными и заданными медико-биологическими свойствами путем молекулярного конструирования макромолекул.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высших учебных и научно-исследовательских заведений. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских проектов Института биоорганической химии: ФА-Ф6-Т097 «Синтез и исследование биологической функции модифицированных полисахаридов с целью получения новых лекарственных средств к органам-мишеням» (2012-2016), Т.1-16 «Синтез гуанидинсодержащих производных полисахаридов и исследования их биологической функции» (2016-2017).

Целью исследования является синтез макромолекулярных систем на основе производных полисахаридов, содержащих гуанидиновые группы, обладающие антимикробной и фунгицидной активностью, установление их структурных, молекулярных характеристик и биологической активности.

Задачи исследования:

синтез диальдегид производных полисахаридов методом периодатного окисления целлюлозы, крахмала, пектина и Na-КМЦ, с заданными молекулярными параметрами и содержанием альдегидных групп;

установление особенностей нуклеофильного замещения диальдегид полисахаридов гуанидином и получение макромолекулярных систем с различной степенью замещения и молекулярной массой;

исследование реакции восстановления азометиновых связей гуанидинсодержащих производных полисахаридов, определение оптимальных условий реакции;

установление молекулярных параметров, физико-химических и структурных характеристик гуанидинсодержащих производных полисахаридов;

